

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

**Р. Иноғовни Ўзбекистон Республикасининг Фахрий
Ерлиги билан мукофотлаш тўғрисида.**

Республикада миллий хавфсизликни таъминлашда самарали хизматлари ва ижтимоий ҳаёда фаол иштирок этганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисининг биринчи ўринбосари Рустам Расулович ИНОЎТОВ Ўзбекистон Республикасининг Фахрий Ерлиги билан мукофотлансин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 17 июнь

Тошкент вилояти Ҳокимининг қарори

1994 йил бошоқли дон экинларини ўриб олиш ва ғалла тайёрлаш ҳамда давлатга сотиш бўйича илғорларни рағбатлантириш тўғрисида

Вилоят ҳўжалиқларида 1994 йили 82,7 минг гектар майдонга бошоқли дон экинлари экилди. Шу жумладан сугорилмайдон майдонда 61 минг гектарни ташкил қилди.

Вилоятнинг ғаллакорлари бу йил ҳар бир гектар сугорилмайдон майдондан 30—35 центнердан, лалмикор ерларда етиштирилаётган ғалла экинларидан эса 11—12 центнердан ҳосил кўтариб, ялпи ҳосилни 176 минг тоннага етказиш арафасида турибдилар.

Вилоятнинг ғаллакорлари 1994 йил ҳосилдан давлатга 75 минг тонна ҳажмда дон, шу жумладан 42 минг тонна бутдой, 33 минг тонна арпа топширишлари белгиланган.

Вилоят ҳўжалиқларида бошоқли дон экинларини ўз вақтида ўриб олиш мақсадида қарор қилди:

1. Туман ҳокимлари, вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси (Ш. Нопулатов), "Тошмеваэсбаэтузусаноати" бошқармаси (К. Шоқор) ҳўжалиқларида бошоқли дон экинларини қисқа вақт ичида исрофгарчиликка йўл қўймай, мавжуд техникалардан унумли фойдаланган ҳолда ўз вақтида ўриб олиш учун барча чораларни кўрсинлар.

2. Вилоят молия бошқармаси (Б. Хосилов) жамоа ҳўжалиқларида ғалла ўриш-йиғим ишларини жаддалаштириш ва ғалла ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш бўйича юқори кўрсаткичларга эришганларни мукофотлаш учун газнадан 100 миллион сўм-купон пул ажратсинлар. Қуйидаги пул мукофотлари қўйилганга таъсис қилинсин:

- 1-ўрин учун — 50 миллион сўм-купон
- 2-ўрин учун — 30 миллион сўм-купон
- 3-ўрин учун — 20 миллион сўм-купон

Пул мукофотлари вилоят деҳқончилик саноати уюшмасининг таъсисига асосан берилсин.

3. Вилоят қишлоқ ҳўжалиқ ходимлари касбаб уюшмаси (К. Шодиметов) жойларда ўзаро мусоабакларни ташкил этиш ва механизатор, ишчиларни маънавий рағбатлантириш учун 60 та имтиёзли тарзда дам олиш оромгоҳларига йўлланма ажратсинлар.

4. Ушбу қарор ижроси устидан назорат қилиш вилоят ҳокимининг муовини Я. Тожибоевга юклатилсин.

**Вилоят ҳокими М. ИКРОМОВ,
1994 йил 21 июнь**

ҒАЛАЗОРДА БИР КУН

Республикада ғалла мустақиллиги учун бошланган курашда бўлаклар ҳам фаол қатнашмоқдалар. Бу йил туманда 7820 гектар майдонда бошоқли дон етиштирилди. Аксарият ҳўжалиқларида бутдой ва арпадан анча баракали ҳосил олиш мўлжалланмоқда. Маҳсус комиссия ғаллазорларни айланиб чиққач, қайси дала, қайси ҳўжалиқда ишчи қачон бошлаш ва мавсумда ғаллакорларга қандай маданий-маиший хизмат кўрсатиш тадбирлари белгилаб чиқилди ва ғалла ўрми кўчатириб юборилди. Ҳозирча кунга 65-70 гектар майдонда ғалла ўриляпти.

Жуда кўп ҳўжалиқлар дастлабки кунданок ўримда пешадамлик қилмоқдалар. Бу жиҳатдан "Бука" жамоа ҳўжалиқидagi ишлар анча ибраландир.

— Бизда энг биринчи навбатда, далада ишлаётган комбайнчилар меҳнатини рағбатлантиришга катта эътибор берилмапти. — дейди жамоа ҳўжалиқи бош бухгалтери Рисбой Ойнабеков. — Ҳар беш кунда ўрим қандай ўтганига аён қилади. Илғорлар рағбатлантирилади. Масалан, комбайнчида бир гектар ери ўрнига учун 10 минг сўм, бир тонна ғаллани янгиб бергани учун 10 минг ҳақ тўланади. Ҳисоб-китоб қилиб чиқдик. Агар комбайнчи узоғи билан бир ой давом этадиган мавсум давомида техникадан, иш вақтидан унумли фойдаланса, салкам 2—2,5 миллион сўм даромад қилиши мумкин.

Айни кунларда жамоа ҳўжалиқи далаларида 5 та комбайн ишлаяпти. Айрим майдонлардан ўртача 25-30 центнердан ҳосил йиғиштириб олинмоқда. Жамоа ҳўжалиқи деҳқонлари ғалла ўрминини ўз вақтида ўтказиш, етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ва режани ошириб бажариш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

Н. ИСАЕВ.

"ДўСТЛИК" ҒАЛЛАСИ

Вилоятимиз

ғаллазорларида мўл ҳосил

етиштирилади. Денгиздек

чайқалиб турган "олтин

бошоқ" пайкаларида бу-

гун ўзгача тароват,

ўзгача сурур. Жуда кўп

ҳўжалиқлар, туманларда

буғдойга ўроқ тушиди.

Комбайнлар ҳайқариб,

бўлиқ дон янчиқда.

Қуйичирчиқ туманидаги

"Дўстлик" жамоаси ҳўжалиқи

ғаллакорлари ҳам бу йил 310

гектар майдонда баракали

дон ҳосили бунедга

келтирдилар. Мана бир неча

кундири, Владимир,

Анатолий ва Сергей

Стариковлар, Сапар Жуманов

ва Юрий Мироненковлар

бошқараётган комбайнлар

дон янчиқти. Ҳар кун 40-45

гектар майдондаги ғалла

ўрилиб, хирмонга 100

тоннадан ошириб ризқ-рўз

тўқияпти. Ҳосилдорлик

гектар бошига 35-36

центнерга тўғри келяпти.

Кеча ҳўжалиқдан

хушхабар олдик. Жамоа

ғаллакорлари давлатга 416

тонна дон топшириб, ўз йил-

лик режаларини ошириб адо

этдилар. Ғаллазорларда ҳали

ўроқ тушмаган майдонлар

анчагина. Ғаллакорлар ўз

имкониятларини ҳисоблаб

чиқиб, дон етиштириш жама

ҳажминини 1000 тоннага

етказиш учун астойдил ғайрат

кўрсатмоқдалар.

Ғаллазорларда ем-ҳашак

тайёрлаш бригадасининг

азволари ҳам меҳнатда

намуна кўрсатмоқдалар.

Ғалласи йиғиштириб олинган

майдонлардаги сомонлар

киллапар прессланги, чорва

фермаси яқинида

гарамланмоқда. Мўлжал —

чорва қишлоғига ҳозирданок

300 тонна сомон жамғариб

қўйишди.

Н. ҲИММАТУЛЛАЕВ.

18 ИЮНЬ кунин вилоят ҳокимлигида Тошкент вилояти ҳокими ҳузурдаги Маслаҳат кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш кун тартибига "Вилоят халқ ҳўжалиқининг барча соҳалари ва чорвачиликда ишловларнинг бориши бўйича 1994 йилнинг 5 ой якулини тўғрисида"ги масала киритилди ва муҳокама этилди. Шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят бошқарма ва бўлимлари, аргосанот уюшмаси, умуман қишлоқ ҳўжалиқида иқтисодий ислохотга дахлдор бўлган ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари ҳамда ҳўқуқни муҳофаза қилиш органларининг вакиллари иштирок этган йиғилишда ушбу масала ҳар томонлама чуқур ва атрофлича муҳокама этиш учун бежиз қўйилмади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни химоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1994 йил 21 январдаги фармони ҳамда қишлоқ ҳўжалиқида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга оид Вазирлар Маҳкамасининг 87 — ва 88-сонли икки нумун қарори ҳаётга тадбиқ этила бошлангандан буён маълум муддат вақт ўтди.

Ҳўш, бу борада Тошкент вилоятида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Вилоят ҳокими М. Икромов йиғилишнинг очар экан, ана шу масалалар юзасидан яна бир бор фикрлашиб олиш учун вақт етганлигини таъкиллади. Кун тартибига қўйилган масала юзасидан вилоят ҳокимининг муовинлари Я. Тожибоев ва А. Раҳимбоевлар маъруза қилдилар.

Нотиклар жорий йилнинг 5 ойи мобайнида вилоят халқ ҳўжалиқининг барча соҳаларида ва чорвачиликда эришилган натижалар ҳақида батафсил ахборот бердилар.

Маърузаларда таъкиллашчи, жорий йилнинг 5 ойи мобайнида вилоятнинг иқтисодий-иқтисодий ҳаётида бир қатор ижобий ўзгаришлар юз берди. Халқ ҳўжалиқининг барча соҳаларида аҳоли секин-аста барқарорлашиб бормоқда. Хусусан, вилоят саноатида ижобий ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади. Январ-май ойларидаги ўшш суратлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 86,1 фоизни ташкил этган бўлса-да, 1 чорак якулига қараганда аҳоли бирмунча яхшиланди. Вилоятнинг 64 фоиз қорхоналари маҳсулот ишлаб чиқаришни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўпайтиришга эришилди.

Бундан ташқари, вилоятда мулкларни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш негизига кўп киралди иқтисодий барпо этиш, саноатни қишлоққа олиб кириш ва янги ишчи

ўринлари ташкил қилиш борасида ҳам эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Лекин шунга қарамай, вилоят халқ ҳўжалиқининг айрим тармоқларида ҳали ҳам камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Туман ва шаҳар ҳокимлари, қорхона ва ҳўжалиқ раҳбарлари халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилиши устидан етарлича назорат қилинмаётганлиги. Айниқса, вилоят қишлоқ ҳўжалиқидagi аҳоли қоникарли эмас. Вилоятдаги қатор ҳўжалиқларда чорвачилик бўйича 5 ойлик яқун тахлил қилинганда, кўрсаткичлар ўтган йилга нисбатан яхши эмаслигини кўрсатди.

Яна бир муҳим масала — бу фермер (деҳқон) ҳўжалиқларининг унумли фаолият кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришди. Афсуски, бу борада ҳам ишларни етарли дед бўлмади. Тўғри, вилоятда фермер ва деҳқон ҳўжалиқларини ривожлантириш масаласига катта эътибор берилмоқда. Улар учун ери бериш режаси 130 фоиз қилиб бажарилган бўлса-да, лекин айрим жойларда ҳали ҳам бу масалага жиддий эътибор берилмапти. Чинез, Уртачирик, Қийрай туманларида айниқса бу иш пайсалга солинмоқда. Бугунги шароит фермер ва деҳқон ҳўжалиқларини замонавий техника билан таъминлаш, уларга кредитлар ажратиш бериши тақозо

Кенгаш йиғилишида шунингдек, халқ истеъмоли моллари, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари тақчил бўлган ҳозирги пайтда айрим қорхона раҳбарларининг ўз ишларига маъсулиятсизлик билан ендирилиши, қўл остидаги қолдиқларга нисбатан назоратни бўшақтириб юборганликларига оқибатда бу маҳсулотларни ўтириш ва талон-торож қилиш ҳолларида йўл қўйилмоқда.

Юқоридаги масала юзасидан Бекобод тумани ҳокими М. Расулов, Окқўрғон тумани ҳокими Н. Бердиқулов, Чиноз тумани ҳокими Э. Бердиев, Окқўрғон шаҳар ҳокими А. Расулов ҳисобот бердилар. Улар ўзлари раҳбарлик қилаётган шаҳар ва туманларда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни эътироф этишиб, зудлик билан бартараф этиш ва халқ ҳўжалиқининг барча соҳаларида ўзгариш яшаш чора-тадбирлари кўрилушини таъкилладилар.

Вилоят ҳокими М. Икромов Маслаҳат кенгашининг йиғилишига яқун ясар экан, вилоят туманларидаги 5 ойлик якулиларини чуқур тахлил қилиб берди. У қишлоқ ҳўжалиқида бўй берган ночор аҳолининг сабабларини ўтган йилги бой берилган имкониятлар билан исботлаб турибди. Ўтган йили қишлоқ ҳўжалиқининг қўллаб-тарқовларига йиллик режалар бажарилмади, мўлжалдаги ҳосил олинмади. Бунинг устига экан майдонларининг қариб ярми шудгор қилинмадан қолиб кетди.

Вилоят ҳокими қишлоқ ҳўжалиқидagi аҳолини тахлил қилар экан, чорвачилик соҳасида ҳам катта камчиликларга йўл қўйилганлигини, хусусан, фермаларни хусусийлаштиришдаги, фермер (деҳқон) ҳўжалиқларига зарур шарт-шароитлар яратиб беришдаги нуқсонларни кўрсатиб ўтди. У чорвачиликка бўлай аҳолининг вужудга келганлигининг асосий сабабларидан бири ўтган йили етарли микдорда ем-ҳашак жамғарилмади, деди.

Вилоят бўйича ўтган қишлоқда 90 та чорвачилик фермасининг қийин аҳолида қолганлиги бунга исботлаб турибди. Шунингдек у, халқ ҳўжалиқининг бошқа соҳаларида ҳам етарлича иш олиб бормайётганини хусусида таъкиллади.

Вилоят ҳокими мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан раҳбар ҳокимларни, жумладан, Окқўрғон, Бекобод, Уртачирик ва Пискент туманлари, Олмалик ва Окқўрғон шаҳарлари ҳокимларини оголантирди. Бу туманларда қилинадиган ишлар юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб берди. Агар шу йил 1 августга қадар нуқсонлар бартараф этилмаса, белгиланган вазифалар ўлда-жўлда бажарила уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилушини таъкиллади.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

ИСЛОҲОТ ИЗЧИЛЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Вилоят ҳокими ҳузурдаги Маслаҳат кенгашининг навбатдаги йиғилишидан

Кенгаш йиғилишида айниқса, Окқўрғон (Н. Бердиқулов), Бўстонлик (А. Абдувоҳидов), Бекобод (М. Расулов), Уртачирик (Т. Мирқубов), Чиноз (Э. Бердиев) туманларида чорвачиликни ривожлантириш имконияти бориши таъкиллади.

Вилоят бўйича 5 ойда 898 тонна сут давлатга кам сотилган бўлса, (бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 фоизга камайиб кетганлигидан далolat беради) бунда юқорида номлари кайд этилган туман ҳўжалиқларининг "ҳисса"си каттадир. Бундан ташқари айрим жойларда турли хил бахонаю сабаблар рўқча қилиниб, молларни мажбурий сўйиш ва сотиб юбориш ҳолатлари юз бермоқда. Табиийки, булар сут, гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва давлатга сотишга ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Бунга мисол тарихида сут етиштиришдаги камчиликларни келтириб ўтишимиз аниқ қиёфадир. Вилоят бўйича 5 ойда сут сотиб олиш ўтган йилнинг шу даврига қараганда 46 килограммга камайиб кетди.

Уртачирик тумани ҳўжалиқларида 198 килограмм, Чиноз туманида 82 килограмм, Бўстонлик туманида 81 килограмм ва Бўстонликда 75 килограмм кам сут сотиб олинганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

этомкада. Зотан, бозор шароитида деҳқон (фермер) ҳўжалиқларининг тўла қувват билан ишлашларини таъминлаш иқтисодий фаровонликка эришишининг муҳим омилларидан биридир.

Ҳал қишлоқ ҳўжалиқи хусусида борар экан, пиллачилик ҳақида ҳам тўхтаб ўтиш жоғир. Жорий йилда вилоятимиз пиллакорлари эл хирмонига 1250 тонна пилла топшириб, шартнома бўйича айлиқ режани ортиб билан бажарди. Бирок ана шундай катта ютуққа шерик бўлишдек ўтиш ишдан четда қолган ҳам бўлди. Хусусан, Юқоричирчиқ, Уртачирик ва бир қатор туманларда ўтган йилга нисбатан пилла топшириш кескин камайиб кетди. Яна бир гап. Айрим ҳўжалиқларда пилла бўйича шартномавий режаларини камайтириб олган бўлсалар-да, мўлжалдаги ҳосилни ололмадилар.

Йиғилишда вилоят миқсидида янги ишчи ўринларини яратиб борасида маълум ишлар қилинаётганига қарамай, айрим туман ва шаҳарларда бу масалага етарли эътибор берилмаётганини алоҳида таъкиллади. Жумладан, Чирчиқ шаҳрида режадаги 1082 ўрнига атиги 314 та, Окқўрғон туманида 693 ўрнига 438 та, Бўстонликда 518 ўрнига 286 та, Қуйичирчиқ туманида 971 ўрнига 394 та, Уртачирик туманида 431 ўрнига 148 та янги ишчи ўринлари яратилди, холос.

Қийрай туманидаги "Маданият" жамоа ҳўжалиқи деҳқонлари бу йил мўл-кўл

деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Суратларда: (чапда) бригада бошлиғи Файзиддин Муҳиддинов дала айланиб,

экинларнинг ҳолатини кўздан кечиряпти. Оила пудрати асосида ишлаётган

Ҳаким ва унинг турмуш ўртоғи Васила Эргашевалар саримсоқ пиез ҳосили мўл

бўлганлигидан мажнундилар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.



СОҲИБҚИРОН ИСТИҚБОЛИГА ЧИҚАЙЛИК!

Халқимизнинг асрий ораузи ушалганидан бери ўтган тарихан қисқа вақт мобайнида Ватан, халқ тақдирига дахлдор оламшумул ўзгаришлар юз берди. Мана энди ўтган йилнинг кузидан буён ораузи кутаётганимиз яна бир муҳим воқеа содир бўлди: ҳар қандай мўътабар зот сингари бизни соғинтира-соғинтира, ўзларига муҳим иззатимизни, ўзларининг эса қадр-қимматларини обдон синаб кўриб, Соҳибқирон Сўм ниҳоят ташриф буорадиган бўлди...

Дастлаб Сўм ҳазратларининг элчилари — сўм-купон ташриф буорган, биз уни ҳам иззатини жойига қўйиб кутиб олган эдик. Сўм-купон элчилик вазифасини аъло даражада бажарди: ҳазрати сўм кириб келадиган масканини хору ҳасдан тозаллади, ҳар қимчинг яни, ҳар бир валютанинг нуфузи-ю ўрнини аниқлади, худлас, сўм ҳазратларига муносиб жой ҳозирлади. Бизга етти ярим ой ҳалол хизмат қилган сўм-купонимизни биз ҳам миннатдорлик билан, иззатини жойига қўйиб қўзатамиз. Бу - сўм-купоннинг юртимизни бирданига- тарқ этмай, ҳалол меҳнатининг ажри сифатида яна бир ой меҳмон бўлиб юришини таъминлаганимизда кўринад.

Таъин хамюртлар! Мана, интирозлик билан кутганимиз Соҳибқирон Сўм ҳазратлари келгадилар. Барчамиз бу тарихий ташриф билан бир-биримизни қўллаб, иззат-иқром билан кутиб олгани сўмимизнинг истиқболига чиқайлик!

Сўмимиз ўзига ярашқили саловат билан, яни сўм-купонга нисбатан минг баробар қудратли ҳолда кириб келаядилар.

Шуни айтиш лозимки, миллий валютани жорий қилишдек мураккаб вазифани ҳал этишда қатнашган тажрибали мутахассислар гуруҳи ҳам, "Иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб тўла мустақилликка эришиб бўлмади", дейишдан чарчамайдиган, аслида иқтисодийнинг теран билимдон бўлган Президентимиз ҳам сўмимизнинг баҳосини белгилашда тарозининг шайинини минг мартабала тебратгани, "етти ўлчаб" эмас, балки минг мартабала ўлчаганидан кейингина "бир кесган"га ишончим қомил.

Илгари айтилганидек, сўмимизнинг шу йил 1 июлдан бошлаб муомалага кириши тўғрисида Президентимизнинг Фармони чиқди. Мен шу ўринда Фармон чиқишдан олдин сўмни жорий қилишга бағишлаб ўтказилган йиғилишда бир қарашда бу ишга алоқаси бўлмагандек туюладиган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинганга эътиборни тортмоқчиман.

Айнан шу йиғилишда истеъмоли бозорини тўлдириб, экспорт имкониятларини кенгайтириш ҳамда болалар, серфарзанд оналарини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларининг ҳам муҳокама этилиши ҳукумат ҳар бир масалани кенг қўламада ҳал қилётганидан далолат беради.

Сўмимизга қайтайлик. Россияни истисно қилганда, МДҲ давлатлари худудидagi мислсиз ҳодиса — пулимизнинг ўз юртимизда босилгани-ю, тангамизнинг ўз юртимизда зарб этилганининг ўзиёқ қалбларимизни ифтихор туйғуларига тўлдириб юборди. Энди Пулимизнинг қадр-қимматини авайлаш,

иззатини жойига қўйиш кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ.

Иқтисодчилар пулнинг қудратини мамлакатда ишлаб чиқаришнинг ҳажми, суръати ва сифати, маҳсулотнинг рақобатбардорлиги, бинобарин, экспортга қодирлиги белгилайди, дейишди. Сўмни жорий қилиш масаласи билан бирга экспортга оид масаланинг ҳам

ОЛАМ ТАНИГАН АЛЛОМА

“Ўтиб неча йиллар яшайдур мудом, Жаҳонда улут ва дово калом” (Кўҳна эзишмалардан)

ДАРҲАҚИҚАТ, замонар ўтса-да, қилинган хайрли ишлар абадий қолади. Ана шундай умброқий ишлари билан довруғ таратган баҳраёт сиймолардан бири — Замахшарийдир.

Замонасининг машҳур филологи Абулқосим Махмуд ибн Умар ибн Аҳмад ал-Замахшарий 1074 йили Хоразмга қаралли Эмухшир деган туманда таваллуд топган. У ўзининг Замахшарий исбасини шу жой номидан олган.

Замахшарий болангидан илмга ҳавас қўйган ва то мадрасага қадр бўлган дастлабки сабоқлари ўз туманида эгаллагач, отаси Умар ибн Аҳмад ўғлини давомий ўқитиш истагида керакли нарсаларни ямаб, ўша вақтларда сафарга отланган қаровига қўшилиб, Мовароуннахрнинг донгдор билим маскавларидан бири ҳисобланган ҳамда Хоразм билан оралиги 18 кунлик масофа бўлган Қуботқаб „Сом-Бухорога қараб йўл олганлар. Бирок тарихий манбаларнинг шожидлик келтиришича, улар қўзланган ерга етиб бормоганлар. Бахти қарши йўлда еш Замахшарий тудан йиқилиб, бир оғини сиңдириб қўйган. Боз ушунга ҳаво ҳам совуқ келиб, сиңган оғининг жароҳати кучайиб (гангрена) емолаша болганга сабабли сиңган оғи тиззасининг юқоридан кесиб ташланган. Шундан кейин сафарни тўхтатишга тўғри келган.

Абулқосим Махмуд Бухорога бориб ўқиб кейинчалик ҳам насиб этмади. Отаси ўғлига ҳунар ўрганиши, яъни тикуччилик касбини эгаллашни маслаҳат беради. Замахшарий бунга рози бўлмай, ўзини Урганчга олиб қўйишни сўрайди, отаси ўғлининг ройишини қайтаролмай уни Урганчга олиб бориб бир мажлисда жолаштириб кетади.

Замахшарий бир ерда мустақил равишда ўз билигини оширишга, дин ва дуневий илмларни эгаллашга астойдил бел боғлайди. Кеча-кундуз демай, кунт билан муттаъил китоблар устида муталога берилади.

Урганчнинг атоқли олиму филозофлари, аристарил илм эгаллашни давом эттириш борасида сиқидилгани самийий, беназир ерларини унда аямаллар. Бора-бора у борган жой гавҳум бўладиган бўлди, содиқ ер-дустлар уни елғизлаб қўйишди. Тиршқоқлик илм филолисининг ҳужраи хоси доимий равишда илм-фанлардан қизғин баҳс-мунозаралар олиб борадиган қадимжойга айланган. Еш Абулқосим Махмуд шу мунозараларда ва бошқа дарваларда бўлиб, чуқур сермано, илмий-фалсафий маърузалар билан қатнашар ҳамда кўпчиликнинг тахсилларига сазовор бўларди. Бундан бўлажак аллома илм илдан қувват олгандек, маъзур суҳбат-мунозаралардан келиб чиқадиган теран фикрлар оқимдан ўзинда зўр мамнуңат ҳосил этар, маънавий баҳра олган қўйи, сиңиқдан кўнчилига малҳам толарди.

У тез орада ўзининг хусниҳатлиги, ҳайратланарли қобилият ва кучли хотирага эга эканлигини намоян этиб, илм, адабиёт аҳдлари орасида танилган ва “Фахр ал Хоразми” (“Хоразминг фаҳри”) деган юксак номга сазовор бўлди. Лекин шундай бўлса-да, Замахшарий қамолот ҳимматининг ўта сарбаландлигидан қариб қирқ ешларга қадр югув ва тарбона ҳолда ҳаёт кечирганлиги манбаларда қайи этилади.

Унинг фалакиёт, ризиеят, фикҳ (қонушунослик), жуғрофия, тарих, фалсафа фанларига оид эзилган асарлари бўлса-да, аллома ўзининг асосий илмий йўналишини кўпроқ тил-адабиётга қаратган. Замахшарий қирқ ешда оғир хаста бўлган. Хасталигидан тувалиб кетадиган сўнг бироз кейинроқ Хоразмшоҳ Кўтубидин Муҳаммад Ануштуғиннинг бир мажлисида илмий мунозаралари, шеърлари билан иштирок этиб, шаҳаншоҳнинг бағоят эътибори — илтифоти муассар бўлган, унга би-лийларини тақомиллаштиришга кенг йўл очилган.

Замахшарий дастлаб Махкада яшанган вақтида улкан билимга эга бўлган араб олимларининг зўр эъзо-икромлари, ҳурматида эришган. Ҳатто ундан араб олимлари сабоқ олганлар ва Замахшарийга “Жорулла” яъни “Илм сардори” деган исбат ҳам берганлар. Хоразмининг фахрли фарзанди бўлиши Абулқосим Махмуд аз-Замахшарий Мадина, Миср, Бағдод, Дамашк шаҳарларида бўлган.

У ўзининг асосий илмий-иждоий ишларини араб тили грамматикаси, яъни тилининг қурлиши қондаларига ва адабиётга бағишлайди. Бағдода яшанган вақтида у умумароб тили қондаларига кирмай қолган араб тили қондалари ҳақида “Муҳокамату аннаҳия” (“Тил ҳоҳатлари”) номли китоб езиб, араб олимларини ҳайратга қолдирган. Жумладан, улкан исъодат эгаси бўлган олим Замахшарий араб адабиетида оид “Мақолат” (“Мақоллар”). “Самийи

ал арабия” (“Араб тилининг маъзи”). “Фоиқ ал дугат” (“Эиғ яхши дугатлар”). “Асос ал-балора” (“Сўзга усталик асослари”) ва бошқа жами 48 га яқин мукамал асар еган. Жумладан, Замахшарийнинг “Асос ал-балора” асарини қўздан кечирсак, олим унда араб тилининг бағоят ва фасоҳати ҳақида сўз юртади. Бу борада филолий олим: “Фикрини бир ерга жамлаб, чиройли ибора ва мазмундор сўзлар билан ифодалаш керак. Маълумки, дунеда сўз кўп, бироқ шу сўз бойлатидан тўғри ва усталик билан фойдалана билиш, дур ўз жойида қадрли бўлганидек, сўзини ўз ўрнида ишлатиш, қондага мувофиқ сўзлаш ва ешиш учун киши шубҳасиз фасоҳат ва бағоят илмидан старти даражада хабардор бўлмоқдиги лозим”, дейди.

Албатта, замонасининг илгор фикр эгалари — мутафаккирлари ўз асарларида ҳаминша таълим-тарбия масалаларига алоҳида катта эътибор берганлар. Негаки бу ҳол тўзал фазилатлари эгаллашнинг муҳим шартли ҳисобланган. Зероки, ҳаётининг боши ростлик бўлмаса унинг поенидаги ростлиқдан, яъни еш ўтандан кейинги ростлиқдан не наф? Улар болаларни дунеге келгандан бошлабоқ тарбиясига қаттиқ киришиш жуда муҳим ва зарурлигини қатъий уқтириб келганлар.

Аслида ешиқдан болада иждоий хусусиятлар пайдо бўлиши, аҳдоқий сифатлар шаклланиб, ривожланиши кутилади. Замахшарийнинг асарларида ана шу каби масалалар ҳам четда қолмаган. У ўз асарларида ота-оналарга алоҳида муурожаат этади.

Олимнинг яна “Айвоқу вас заҳоб” (“Олтин халқа”), “Муқаддима ал-адаб” (“Адабиётга кириш”), “Ал минҳож фил усул” (“Усул бобидан қўрсатма”) каби асарлари ўз даврининг илм аҳдлари томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинган.

Замахшарий ўзини тизимсиз олиб борган кўп илмий илмий-иждоий филолият давомида қўлба салмоқли, ноидр асарлардан ташқари, ўзидан аввал ўтган ҳамда ўзинга замонадоп бўлган талайгина олим ва шoirларнинг асарларига шарҳлар ҳам езиб, катта шухрат қозонган аллома эди.

Замахшарийнинг энг кўп танилган асари “Муқаддима ал адоб”дир. Манбалардан қўрсатилшича, маъзур асар шахсан Хоразмшоҳ Абулмузаффар Жалолиддин Олтинснинг (1127—1156 йил) топиширига биноан езилган. Ушбу асар асарлар мобайнида бир неча бор араб тилидан туркий, форс тилларига таржима қилинган. Олимнинг кўпгина бошқа асарлари бизнинг қўлларимизда қадр этиб кетган. Унинг қаламига мансуб асарлар ўз вақтида Оврўпо тилларига ҳам таржима қилинган. Париж, Лейпциг, Вена, Лондон, Норвегия, Миср, Ҳиндистон ҳамда Қозон каби шаҳар ва ўлкаларда бир неча бор нашр этилган. Олим олмирдаридан Ватзастайн “Муқаддима ал адоб”нинг Оврўподаги маъзуд таржима нусхаларини аслига қиёсан солиштириб, 1850 йили Лейпцигга унинг танқидий матнини икки жиди этиб нашр эттирган.

Бегубор улкан қалб эгаси, сўз салтанатининг тождори бўлиши аллома замон Замахшарийнинг 23 та асари бизнинг қўлимизда қадр асл ҳолда етиб келган. Бу асарлар қадим-қадимдан қўлдан-қўлга ўтиб, севиб ўқилиб келинади. Араб шoirларидан бири: “Дунедаги барча қишлоқлар жамлашиб, биргита Хоразмининг Замахшар қишлоғига фидо бўлса арзийди. Чунки бу қишлоқ буюк Замахшарийдек машҳур йирик олимни дунеге келтирган” деб фахр ва гурур билан еган эди.

Ҳақиқатан ҳам ўзбек халқининг оташин фарзанди, аллома Замахшарий алақадорлардан оқ дунеданги илм аҳдлари қалбидан жой олиб, умброқийликка айланган ана шундай таварруқ эдилар. У Хоразмшоҳ Олтинс даврида 1144 йили Урганчда олтиш ешда дунедан қўз юмган.

Жазорлик машҳур араб таълиқчиси сайеҳи Яби Боттута ўзининг “Саеҳати Ибн Боттута” асарига 1333 йили Урганчда бўлганида: “...Хоразмда (Урганчда) олим имом Абулқосим Махмуд ибн Умар аз-Замахшарийнинг қабири бор. Унинг қабири устига гумбаз қилиб (мақбара демоқчи Х. Ҳ.) ишланган...” деб еган. Минг афсуски, ҳозир унинг мақбарасидан ном-ишпон ҳам қолмаган.

Йирик аллома Замахшарий илмий фаолиятини ўз ал-юртининг маданий бойлигини бойитишга сарф этганилидан дарак бериб турибди. Лекин афсуски бу улуг аждоимизнинг мууроаб ном ва илмий-иждоий меросини кенг қўлдама ўрганиш, тарғиб этиш ишларига ҳанузгача жиддийроқ киришилмаган. Вақолаки ундан жуда катта бебаҳо мерос қолган. Бундан бери ана шу ноидр илмий меросларга қизиқиш ортган, таварруқ номи абадийлаштирилди, деган умиддамиз.

Хабибулла ЗАЙНИДДИН, ёзувчи.

• Қадрият

Абулқосим Махмуд Бухорога бориб ўқиб кейинчалик ҳам насиб этмади. Отаси ўғлига ҳунар ўрганиши, яъни тикуччилик касбини эгаллашни маслаҳат беради. Замахшарий бунга рози бўлмай, ўзини Урганчга олиб қўйишни сўрайди, отаси ўғлининг ройишини қайтаролмай уни Урганчга олиб бориб бир мажлисда жолаштириб кетади.

Замахшарий бир ерда мустақил равишда ўз билигини оширишга, дин ва дуневий илмларни эгаллашга астойдил бел боғлайди. Кеча-кундуз демай, кунт билан муттаъил китоблар устида муталога берилади.

Урганчнинг атоқли олиму филозофлари, аристарил илм эгаллашни давом эттириш борасида сиқидилгани самийий, беназир ерларини унда аямаллар. Бора-бора у борган жой гавҳум бўладиган бўлди, содиқ ер-дустлар уни елғизлаб қўйишди. Тиршқоқлик илм филолисининг ҳужраи хоси доимий равишда илм-фанлардан қизғин баҳс-мунозаралар олиб борадиган қадимжойга айланган. Еш Абулқосим Махмуд шу мунозараларда ва бошқа дарваларда бўлиб, чуқур сермано, илмий-фалсафий маърузалар билан қатнашар ҳамда кўпчиликнинг тахсилларига сазовор бўларди. Бундан бўлажак аллома илм илдан қувват олгандек, маъзур суҳбат-мунозаралардан келиб чиқадиган теран фикрлар оқимдан ўзинда зўр мамнуңат ҳосил этар, маънавий баҳра олган қўйи, сиңиқдан кўнчилига малҳам толарди.

У тез орада ўзининг хусниҳатлиги, ҳайратланарли қобилият ва кучли хотирага эга эканлигини намоян этиб, илм, адабиёт аҳдлари орасида танилган ва “Фахр ал Хоразми” (“Хоразминг фаҳри”) деган юксак номга сазовор бўлди. Лекин шундай бўлса-да, Замахшарий қамолот ҳимматининг ўта сарбаландлигидан қариб қирқ ешларга қадр югув ва тарбона ҳолда ҳаёт кечирганлиги манбаларда қайи этилади.

Унинг фалакиёт, ризиеят, фикҳ (қонушунослик), жуғрофия, тарих, фалсафа фанларига оид эзилган асарлари бўлса-да, аллома ўзининг асосий илмий йўналишини кўпроқ тил-адабиётга қаратган. Замахшарий қирқ ешда оғир хаста бўлган. Хасталигидан тувалиб кетадиган сўнг бироз кейинроқ Хоразмшоҳ Кўтубидин Муҳаммад Ануштуғиннинг бир мажлисида илмий мунозаралари, шеърлари билан иштирок этиб, шаҳаншоҳнинг бағоят эътибори — илтифоти муассар бўлган, унга би-лийларини тақомиллаштиришга кенг йўл очилган.

Замахшарий дастлаб Махкада яшанган вақтида улкан билимга эга бўлган араб олимларининг зўр эъзо-икромлари, ҳурматида эришган. Ҳатто ундан араб олимлари сабоқ олганлар ва Замахшарийга “Жорулла” яъни “Илм сардори” деган исбат ҳам берганлар. Хоразмининг фахрли фарзанди бўлиши Абулқосим Махмуд аз-Замахшарий Мадина, Миср, Бағдод, Дамашк шаҳарларида бўлган.

У ўзининг асосий илмий-иждоий ишларини араб тили грамматикаси, яъни тилининг қурлиши қондаларига ва адабиётга бағишлайди. Бағдода яшанган вақтида у умумароб тили қондаларига кирмай қолган араб тили қондалари ҳақида “Муҳокамату аннаҳия” (“Тил ҳоҳатлари”) номли китоб езиб, араб олимларини ҳайратга қолдирган. Жумладан, улкан исъодат эгаси бўлган олим Замахшарий араб адабиетида оид “Мақолат” (“Мақоллар”). “Самийи

ал арабия” (“Араб тилининг маъзи”). “Фоиқ ал дугат” (“Эиғ яхши дугатлар”). “Асос ал-балора” (“Сўзга усталик асослари”) ва бошқа жами 48 га яқин мукамал асар еган. Жумладан, Замахшарийнинг “Асос ал-балора” асарини қўздан кечирсак, олим унда араб тилининг бағоят ва фасоҳати ҳақида сўз юртади. Бу борада филолий олим: “Фикрини бир ерга жамлаб, чиройли ибора ва мазмундор сўзлар билан ифодалаш керак. Маълумки, дунеда сўз кўп, бироқ шу сўз бойлатидан тўғри ва усталик билан фойдалана билиш, дур ўз жойида қадрли бўлганидек, сўзини ўз ўрнида ишлатиш, қондага мувофиқ сўзлаш ва ешиш учун киши шубҳасиз фасоҳат ва бағоят илмидан старти даражада хабардор бўлмоқдиги лозим”, дейди.

Албатта, замонасининг илгор фикр эгалари — мутафаккирлари ўз асарларида ҳаминша таълим-тарбия масалаларига алоҳида катта эътибор берганлар. Негаки бу ҳол тўзал фазилатлари эгаллашнинг муҳим шартли ҳисобланган. Зероки, ҳаётининг боши ростлик бўлмаса унинг поенидаги ростлиқдан, яъни еш ўтандан кейинги ростлиқдан не наф? Улар болаларни дунеге келгандан бошлабоқ тарбиясига қаттиқ киришиш жуда муҳим ва зарурлигини қатъий уқтириб келганлар.

Аслида ешиқдан болада иждоий хусусиятлар пайдо бўлиши, аҳдоқий сифатлар шаклланиб, ривожланиши кутилади. Замахшарийнинг асарларида ана шу каби масалалар ҳам четда қолмаган. У ўз асарларида ота-оналарга алоҳида муурожаат этади.

Олимнинг яна “Айвоқу вас заҳоб” (“Олтин халқа”), “Муқаддима ал-адаб” (“Адабиётга кириш”), “Ал минҳож фил усул” (“Усул бобидан қўрсатма”) каби асарлари ўз даврининг илм аҳдлари томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинган.

Замахшарий ўзини тизимсиз олиб борган кўп илмий илмий-иждоий филолият давомида қўлба салмоқли, ноидр асарлардан ташқари, ўзидан аввал ўтган ҳамда ўзинга замонадоп бўлган талайгина олим ва шoirларнинг асарларига шарҳлар ҳам езиб, катта шухрат қозонган аллома эди.

Замахшарийнинг энг кўп танилган асари “Муқаддима ал адоб”дир. Манбалардан қўрсатилшича, маъзур асар шахсан Хоразмшоҳ Абулмузаффар Жалолиддин Олтинснинг (1127—1156 йил) топиширига биноан езилган. Ушбу асар асарлар мобайнида бир неча бор араб тилидан туркий, форс тилларига таржима қилинган. Олимнинг кўпгина бошқа асарлари бизнинг қўлларимизда қадр этиб кетган. Унинг қаламига мансуб асарлар ўз вақтида Оврўпо тилларига ҳам таржима қилинган. Париж, Лейпциг, Вена, Лондон, Норвегия, Миср, Ҳиндистон ҳамда Қозон каби шаҳар ва ўлкаларда бир неча бор нашр этилган. Олим олмирдаридан Ватзастайн “Муқаддима ал адоб”нинг Оврўподаги маъзуд таржима нусхаларини аслига қиёсан солиштириб, 1850 йили Лейпцигга унинг танқидий матнини икки жиди этиб нашр эттирган.

Бегубор улкан қалб эгаси, сўз салтанатининг тождори бўлиши аллома замон Замахшарийнинг 23 та асари бизнинг қўлимизда қадр асл ҳолда етиб келган. Бу асарлар қадим-қадимдан қўлдан-қўлга ўтиб, севиб ўқилиб келинади. Араб шoirларидан бири: “Дунедаги барча қишлоқлар жамлашиб, биргита Хоразмининг Замахшар қишлоғига фидо бўлса арзийди. Чунки бу қишлоқ буюк Замахшарийдек машҳур йирик олимни дунеге келтирган” деб фахр ва гурур билан еган эди.

Ҳақиқатан ҳам ўзбек халқининг оташин фарзанди, аллома Замахшарий алақадорлардан оқ дунеданги илм аҳдлари қалбидан жой олиб, умброқийликка айланган ана шундай таварруқ эдилар. У Хоразмшоҳ Олтинс даврида 1144 йили Урганчда олтиш ешда дунедан қўз юмган.

Жазорлик машҳур араб таълиқчиси сайеҳи Яби Боттута ўзининг “Саеҳати Ибн Боттута” асарига 1333 йили Урганчда бўлганида: “...Хоразмда (Урганчда) олим имом Абулқосим Махмуд ибн Умар аз-Замахшарийнинг қабири бор. Унинг қабири устига гумбаз қилиб (мақбара демоқчи Х. Ҳ.) ишланган...” деб еган. Минг афсуски, ҳозир унинг мақбарасидан ном-ишпон ҳам қолмаган.

Йирик аллома Замахшарий илмий фаолиятини ўз ал-юртининг маданий бойлигини бойитишга сарф этганилидан дарак бериб турибди. Лекин афсуски бу улуг аждоимизнинг мууроаб ном ва илмий-иждоий меросини кенг қўлдама ўрганиш, тарғиб этиш ишларига ҳанузгача жиддийроқ киришилмаган. Вақолаки ундан жуда катта бебаҳо мерос қолган. Бундан бери ана шу ноидр илмий меросларга қизиқиш ортган, таварруқ номи абадийлаштирилди, деган умиддамиз.

Хабибулла ЗАЙНИДДИН, ёзувчи.

БИЛИМ БЕРДИ, ЭЪТИБОР ТОПДИ

БОЛАЛИКДАЁҚ инсон мактабда эса билим ва ҳаёт қалбидан жой олган оруз йиллар ўтиб қамолотга етказилгани оддийгина муаллима Шохида Топилова фаолиятида ҳис этиди. Қизалоқ пайтлари эди. Ота-онанининг тоқ китоблар, тоқ газета ўқиб, тоқо дафтарлар устида мук тушиб, қизматларини бажо келтириётганлигига кўп марта қўзғоб бўлган. Шундай пайтларда расмли китобларни томоша қилиб, аста-секин мурғак қалбда мактабга ҳавас уйғонган бўлса, ажаб эмас.

Шохидани Тошкент шаҳридаги 13-мактабга беришди. Қўпгина ўроқлари каби яхши ўқиди. Биргина дарсликлар билан эмас, балки кутубхонадан олинган китобларга илхос қўйганлиги ўқувчининг эҳдиини ўсиб боришига ердам берди. Кейинроқ у онасига еш болларининг қажжи қўлларини ушлаб ездирини яхши қўришини айтди, ўқитувчи бўлиш ниътида эканлигини билдирди.

1956 йилда Шохида Тошкент шаҳридаги қизлар билим юртига кириб ўқиди. Қўпгина мутахассислик гувоҳномасини олган, меҳнат фаолиятини Охувбобос номли 45-мактабда бошлади. Еш муаллима кундузи ишлаб, кечкурун поштахонада Низоийи номли педагогика олийгоҳининг кечки бўлимида илхослиги йўналиши бўйича илм олгани давом эттирди. Унинг институтда олган назарий билимлари амалиётга қўл келар,

мактабда эса билим ва ҳаёт борасида таъриба орттирган устозлар унга дарс бериш услуби, болалар қалбига йўл топиш борасида маслаҳатларини аямасди.

Инсон астойдил аҳд қилса, қўзлаган мақсадига эришар экан. Уқиб, ишлаш жараёнида Шохиданин ҳаётида бахт юлдузи ҳам қулиб бодди. У кундузи поштахонада йирик корхоналардан бирида навбатчи-муҳандис бўлиб ишлаб, кечкурун политехника олийгоҳида билим олаётган, ўзи каби камтар, меҳнатқаш, ишчан, мақсад сари ятилувчан йигит — Сирожидағани турмуша чиқди.

Катта хонадоннинг келини бўлиш осон эмасди. Лекин, оилада ҳамма тўшунган кишилар бўлиб яшашни учун Шохида барча мушкулликларини ениб, институтни битириб олди. Бу орада ширин фарзандлик ҳам бўлди. Ҳам ўқиди, ҳам оилани эзлаган серрайат муаллима тез орада ўзи иш бошлаган жамоада оғру-этибор қозонди. Бир неча йиллар ўтган, жонқуяр ўқитувчи сифатида танилган Ш. Топилова-илмий ишлар бўйича директор муовини лавозимини ишониб топиширди. Энди Шохида муаллима бўлиш билан биргити раҳбар ҳам эди. Унинг меҳнатини, инсоний фахиятлари, яхши муаллимлиги ҳақида туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари, кейинчалик республика Халқ таълими

вазирлигида ҳам самийий ифтихор билан гапирадиган бўлишди. Шохида ўз таърибаси ҳақида ойнав жаҳон орқали бир неча бор суҳбатлар билан чиқди. Унинг газета ва журналларида мақолалари босилди. Моҳир муаллима жамоат ишларига фаоллик қўрсатиб, йилма-йил туман, шаҳар халқ таълими бўлимларининг мукофотларига сазовор бўла борди. Бу йил эса у “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиеси” деган шарафли ном эгаси бўлди.

— Бу мукофотни менга эмас, балки мени оёққа қўйган мактаб жамоасига беришган мукофот деб биламан,— дейди у.— Чунки, шу кунгача қандай ютуқларга эришган, оз бўлсада хурмат-эътибор қозонган бўлсам, бу фақат иккинчи онам каби бошимда парвона бўлаётган ҳамкасбларим, фахрий ўқитувчиларим туғайлидир.

Мактабда бошлангич синф ўқувчиларига 36 йил билим бермоқ осон иш эмас. Буни фақат ўқитувчи бўлган кишиларгина яхши тушунадилар. Ана шундай заҳматли меҳнат билан эл орасида иззат-иқром орттирган муаллимнинг қанча топаётганлиги, эъзозлаётганлиги боиси ҳам ана шунда.

Кўпчилик қатори биз ҳам онани шарафли унвон билан қутлаймиз. Унга мустақкам сиҳат-саломатлик, бундан буенги ишларида зафарлар тилаймиз.

Ш. ОБИДОВА.

• Ёднома ЗАМИНИМИЗ ЗАРГАРИ

Мамлакатимизнинг улкан тупроқшунос олими, ўзбек илмий тупроқшуносларининг ҳақоқий сардори, профессор Мажд Умаров Умаров ўзининг 30 йиллик илмий ва раҳбарлик фаолияти даврида она-Ватанимиз Ўзбекистонда тупроқшунослик фанининг қамол топиши, янада ривожланиши, унинг ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, омаллаштириш ва малакали маҳаллий кадрларнинг сафини кенгайтиришдек жуда кўп хайрли ишларни амалга оширишни бошқариб борди. Шу билан бирга муҳтарам домла мутахассисларда меҳнатсеварлик, ўз ишида тўғрилик ва ҳалодиликни кучайтиришга интилади.

М. Умаров Ўзбекистон Фанлар академиясининг тупроқшунослик ва агрокеми институтининг директорлик қилган фаолияти даврида мазкур илмий даргоҳни кенгайтиришга, унда бир неча янги ихтисослашган лабораториялар очилган, уларни жонқуяр, айниқса, миллий етук мутахассислар билан таъминлашга эришди. Еш кадрларни тупроқшунослик фани сирларини ҳар томонлама тўла эгаллашга, ўз соҳасининг фидокор таълиқчиси ҳамда тарғиботчиси бўлишга қарқиди. Бу даврда институтнинг бор кучи ҳамда фикри республикада янги ерларни ва суғориладиган тупроқларнинг турли хоссаларини тўла таълиқ этишга, уларнинг умумдорлигини оширишга доир таълиқларни ишлаб чиқаришга фаол иштирок этишга қаратилди.

Илмий-тектириш ишларининг асарияти ҳаёт талаблари асосида, республикада деҳқончиликнинг турли соҳаларини тарғиб этиш заруратини ҳисобга олиб ўтказилди. Профессор М. Умаров бош-қоқ бўлиб институтда ўтказилган илмий таълиқотларнинг деярли барчаси мукамал олиб борилади, унинг тупроқларнинг келиб чиқиши, ривожланиши, мелiorатив, агрокемиивий, биологик, ташқи кўриниши, тузилиши ва бошқа хусусиятлари, уларнинг агрономик жиҳатдан аҳамиятли бўлган хоссалари билан боғлаб ўрганилди.

М. Умаровнинг илмий фаолияти республикада кенг тарқалган ҳар хил маданий ҳолдаги (қўриқ, бўз ва суғориладиган) асосий тупроқ тилларининг тўла ўрганишга, уларни яхшилаш ҳамда умумдорлигини оширишнинг асосларини ишлаб чиқишга бағишланган. Таълиқот натижалари унинг матбуотда босиб чиқарилган 4 та йирик монография асари, 90 дан ортиқ илмий мақолаларида ўз ифодасини топган. Маъзур асарларда республикадаги асосий суғориладиган тупроқ тиллари ва механик таркибига қўра, ҳар хил тупроқларда қайдалма қатламнинг зичлиги бўйича гўза учун энг мўътадил — оптимал зичлик чегараларини аниқлаш, унн суғориладиган сарҳ минакаси тупроқлари шартинда вужудга келиши, умуман, ерларда тупроқларнинг экинлар учун энг яхши агрофизик хоссаларини яратиш ва уни бошқаришнинг агротехник йўлларини топиш, сиёз суларни янги бўлган суғориладиган ўтлоқи ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқлар шартинда гўзани керакли меердаги сув билан суғоришининг, уларда оксидланган-қайтарилиши жараёнларини иждоий бошқариш, гўзанинг вилт билан касалланишининг олдин олш ва пахта хосдорлигини кескин оширишининг илмий илмий ва амалий асослари баён этилган.

Республикаимизда тупроқшунослик фани, айниқса, тупроқ физикаси бўйича йирик олим М. У. Умаровнинг бу соҳа бўйича илмий фаолияти, унинг еган китоблари ва мақолалари ўз мазмунини, уларда келтирилган маълумотларни, фикр ўзгаслари ва тақлифлари катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Улардан она-Ватанимизнинг тупроқшунос мутахассислари ҳамда олим ва махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ўзларининг кунчилик таълиқот иш

